

Тошкентликлар ЁХУД УРУШ СОЯСИ

Драма

Иштирокчилар:

Шоқосим – завод ишчиси, 60 ёшларда

Муҳиба – Шоқосимнинг хотини, 55 ёшларда

Жалил – ишчи, 55 ёшларда

Маҳкамой – Жалилнинг хотини, 50 – 52 ёшларда

Ҳошим – завод ишчиси, 50 ёшларда

Шаҳринисо – Ҳошимнинг хотини 45 ёшларда

Ғайрат – урушдан ногирон бўлиб қайтган йигит, 25 – 30 ёшларда

Полина – эвакуация қилиниб, Шоқосим уйидан жой берган аёл 25 – 28 ёшларда

Озода – эри урушга кетиб, унинг бедарак кетгани ҳақида хат олган келин, 21 – 25 ёшларда.

Врач

Почтачи

Болалар

Ҳарбийлар

Омма

Урушдан қайтган ҳарбийлар.

Пролог

Уруш садолари, бомбордимон овозлари ва жанговар мусиқа садолари остида парда очила бошлайди. Саҳна ўртасига нур тушиб иккинчи жаҳон урушида қўлланган замбарак, унинг ёнида қизил армия зобити. Аскарлари замбаракни ўқлайдилар ҳамда зобит ҳайқириги остида ўқ отилади.

Бир ёндан “Родина мать зовет!” панноси билан аскарлар сафи юради, иккинчи томондан урушдан қочаётган оломон гуруҳлари қий-чув кўтариб бошқа ёққа югуради. Уруш даври радиокарнайидан овоз эшитлади: Внемание! Говорит Москва! Информбюро Советского Союза сообщает! Сегодня германские фашисты захватывали Молдавии и продолжает наступление... Овоз пасайиб ўзбекча хабар овози баландлашади: Кеча Республикамизга уруш давом этаётган минтақалардан яна йигирма минг жабрдийдалар эвакуация қилинди...

Саҳнада алвон матога ёзилган “Ҳамма фронтга!” ёзуви олиб чиқиб ўрнатилади. Атрофига одамлар тўпланади. Ёзув ўрнатишга жойга яқин қўйилган курси устига бир мундирли киши (комиссар) чиқиб, қўлидан газета чиқариб баланд овозда ўқий бошлайди:

– Ўзбекистон Республикаси халқ комиссарлигининг ўзбек халқига мурожаати.

Азиз ватандошлар! Ўзбек меҳнаткаш халқи октябрь инқилоби шарофати билан коммунистик партия раҳнамолигида эндигина буюк шўро шароитида гуллаб-яшнашга қадам қўйганида Германия нацист фашистлари ватанимизга хиёнаткорона ҳужум қилиб тинчлигимизни бузди. Бутун совет халқи уруш жабрини тортмоқда. Ватанимизнинг оғир жанглари олиб борилаётган ўлкаларида шаҳарлар, қишлоқлар вайрон бўлди. У ерларда яшаб келган қардошларимиз уйсиз, жойсиз қолдилар. Жангларида омон қолган кишиларни Ўрта Осиё республикаларига кўчириш, эвакуация қилиш бўйича ҳукумат қарори қабул қилинди. Улар асосан болалар, бошпанасиз қолган аёллар ва қаровчисиз қариялар. Жумладан, Ўзбекистонга ҳам улардан юз минглаб кишилар олиб келинмоқда. Лекин уларни қамраб олишга республикамиздаги етимхоналар, болалар уйлари, мослаштирилган бинолар етишмаяпти. Шу муносабат билан халқимизга мурожаат қилмоқдамиз.

Биз бағри кенг, дўстларга меҳрибон, йиқилганни суяган, қўли ҳам, кўнгли ҳам очик, ҳиммати баланд саҳий, бир парча нонини қардошларига баҳам кўрадиган мард, танти халқмиз! Биз бир майизни қирқ бўлиб баҳам кўрган, унинг баракасини топган халқмиз. Бугун уруш бораётган ўлкалардан келтирилаётган жабрдийдаларни бағримизга, хонадонларимизга оламиз.

Дўстларимизни хорликда, зорликда қолдирмаймиз!

Азизлар! Яна бир бор халқимиз фазилатларини намоён этадиган вақт келди. Иложини топсак, бир нафардан бўлса ҳам, меҳримизга, мурувватимизга, ғамхўрлигимизга муҳтож қардошларимиз болаларини оиламиз аъзоси сифатида қабул қилиб, чин инсонлик фазилатимизни кўрсатайлик!

Биз, албатта урушда ғалаба қозонамиз! Ватан хизматимизни унутмайди. Ғалаба яқин! Матонатли халқимиз омон бўлсин!..

Оломон гуриллаб тасдиқлайди.

Чиқадилар.

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўрinish

Эски маҳалла кўчаси. Шоқосим елкасига бир қоп бозорлик олиб уйига қайтмоқда. Ишдан қайтаётган Ҳошим унга дуч келади. Улар салом-алик қиладилар.

Ҳошим: Ҳа, мунча катта тараддуд билан юрибсиз? Нима, яна нархлар ошарканми?

Шоқосим: Э-йўқ, қўшни, давлат бизга марҳамат қилиб, урушга олмади...

Ҳошим: Қанақа марҳамат? Биз ҳам кетсак, заводнинг ўзи ишлар эдимиз? Қолаверса, ёшимиз ҳам олтмишга қараб бораётган бўлса. Биз урушда немиснинг полвон йигитларига бас кела олармидик.

Шоқосим: Бас келамизми, йўқми, жўнатаман деса, жўнатаверар эди. Заводни ишлатаман деса, бунинг ҳам йўлини топар эди. Жўнатишмаганига шукур қилайлик.

Ҳошим: Ҳа-а, сиз давлатга жуда содиқ одамсиз-да. Икки ўғлингизни урушга бериб, ҳа деса ўзингиз ҳам боришга тайёрсиз.

Шоқосим: Худога шукур, икки ўғлим бор экан, бугун бизни ҳимоя қилишяпти. Илоҳи, омон қайтишсин.

Ҳошим: Омон қайтишсин. Уйингиз ҳувиллаб қолгандир-а?

Шоқосим: Нимасини айтасиз, қўшни. Бу юк кишига шундай оғирки, айтишга тил ожиз. Инсон баъзи нарсаларни сўзлашдангина эмас, ўйлашдан ҳам кўрқар экан.

Ҳошим: Ҳа, буни менга айтманг. Биз Сибирга жўнатилганимизда қандай оғир кунларга қолган эдик. Биз одам саналмаганмиз. Ҳамма яқинларимдан жудо бўлиб сўппайиб қайтиб келдим. Айбсизлигимни исбот қилиш учун отамни ва ўғлимни қурбон қилиб келганман.

Шоқосим: Тақдир, қўшни. (*Шивирлаб*) Барибир, қайтиб келганингизга шукур қилинг. Ў-ҳу, қанча одам қайтмас бўлиб кетди. Бахтингиз бор экан, мана, янгидан ҳаёт бошладингиз.

Ҳошим: Лекин ўша кунларимни унута олмайман-да. Қандай зулмлар ўтказишган эди-я!..

Шоқосим: Бугунги кунда ҳамманинг аҳволи бирдай оғир. Ғалаба учун биз ҳам жим турмай курашишимиз керак...

Ҳошим: Их!.. Ғалабами?..

Шоқосим: Ҳа, ҳамма дарднинг давоси ғалаба! Курашда куч берадиган ғалаба умиди. Ўлиш олдидан армонингни оладиган ҳам ғалаба. Ҳаётда асли ғалабдек малҳам йўқ. У учун нима керак бўлса қилиш керак!

Ҳошим: Албатта, ғалаба. Лекин гап ким ғалаба қилишида...

Шоқосим: Тушунмадим?

Ҳошим: Бир куни тушуниб қоларсиз.

Чиқади, ортидан ҳайрон бўлиб қолган Шоқосим ҳам чиқади.

Иккинчи кўриниш.

Шоқосимнинг ҳовлиси. Муҳиба, Шаҳринисо ва Маҳкамой ўзаро суҳбатлашмоқда.

Муҳиба: Мен дадасига айтдим, нечта беришса, шунча оламиз. Ай, дедим, отамникида юрганимда тили-забони йўқ қанча жўжани боқар эдим. Бир пасда катта бўлиб қолишарди, дедим. Бола ҳам жўжадек гап, дедим. Бир озгина вақт тилимизга тушунмай туришса ҳам, ўрганиб кетишади, дедим. Катта бўлиб қолишса, ўзимизга ёрдамчи бўлади, дедим. Олиб келаверинг, дедим.

Маҳкамой: Жўжа – жўжа, бола – бола, айланай. Жўжанинг бир-иккитаси ўлиб қолса ҳам, этагинг куйганча бўлмайди. Бу – бола, ахир. Ундан кейин уларнинг жавобини сўровчилар кўп, давлат сўрайди, ахир. Жўжа ўзингники, хоҳласанг – сотасан, хоҳласанг – сўйиб ейсан. Бу болалар бегона, юрагингни жиз этиб ёриб чиқмаган, эл бўлармикан? Киши боласини кишмиш берсанг турмайди, деганлар.

Муҳиба: Ҳамма гап меҳрда, меҳр берсанг, бегона ҳам ўзингникидан меҳрибон бўлади. Тўққанингдан тутганинг беҳ, деганлар-ку.

Шаҳринисо: Муҳибахон, қон деган гап ҳам бор. Онам раҳматли бегоналар ҳақида “Қайнаса қони, қовурса эти қўшилмайдиганлар”, дер эдилар. Майли, олинг. Кўрайлик. Кейин биз ҳам олармиз.

Муҳиба: Мен оламан, сизлар ҳам оласизлар. Олмай иложларинг йўқ.

Шаҳринисо: Мен-ку оламиз дейман, хўжайин кўнмаяптилар-да. Биласиз, биз бегуноҳ тўққиз ой Сибирни кўриб келганмиз. Қайнотам билан ўғлимизни ўша ерга бериб келганмиз. Шундан буён фарзанд йўқ. Дадаси ўша жойда ўзга миллатлардан кўп азият чеккан. Шунини ҳали ҳам унута олмай юради. Тўғриси, менга бола керак, лекин дадасининг зардаси қайнайди-да.

Маҳкамой: Боласиз ҳаёт ҳаёт эмас. Лекин аралаш бўлса яна ҳам яхши-да. Бизга худо тўртта қиз берди, ўғил бермади. Тўрталаси ҳам эрга тегди кетди. Эрлари урушга кетгандан буён болалари билан уларни қайноталари бағридан узоқлаштирмайди. Ўғил бола бўлса, ўрни бошқа экан-да, уйингни тўлдиради.

Муҳиба: Ана, ўғил болалардан олинг иккитасини.

Маҳкамой: Оламан дейман, боқишга қўрқаман-да.

Шаҳринисо: Улар беникоҳ туғилишган бўлади. Зино боласи ҳақиқатан кўрқинчли.

Муҳиба: Ундай деманглар, уларнинг ҳам ўз дини, ўз никоҳи бор.

Шаҳринисо: Барибир, мусулмон фарзандлари эмас-да. Улар кўча-кўйда ҳам зино қилишиб кетаверар экан, болалар туғилаверар экан...

Муҳиба: Шундай уруш бораётган оғир кунларда бундай гапларинг ўринсиз, гапларингни ўйлаб гапиринглар.

Маҳкамой: Уларга ҳам калима айттириб мусулмон қилиб олса бўлар экан-ку...

Озода киради.

Озода: Ассалому алайкум, опагонлар.

Муҳиба: Ва алайкум ассалом, кел қизим.

Озода: Бегимга бир рўмолча тиккан эдим, шунини сизга бир кўрсатиб кетай, дегандим.

Шаҳринисо: Нима?

Озода: Рўмолча, рўмолча... дейман. Қандай чиқибди?

Муҳиба: (рўмолчани қўлига олиб, кузатиб) Яхши, қани, жуда яхши тикибсан, қизим.

Озода: Мени кут деб кетди ёрим,
Бу оламни тутди зорим,

Келарми деб вафодорим,
Йўлларига тикарман кўз,
Тўкилди ёш, сарғайди юз.

Тинарми бу жанг тўзони?
Дилга солди дард, ярони,
Кутарман кўзи қарони –
Йўлларига тикарман кўз,
Тўкилди ёш, сарғайди юз.

Йўлим туман – юролмайман,
Тоқатим йўқ – туролмайман,
Узоғимни кўролмайман,
Йўлларига тикарман кўз,
Тўкилди ёш, сарғайди юз.

Байроқ қилиб рўмолчамни,
Ғалаба! – деб қўй қадамни,
Чекинтир, ёр, ёвдек ғамни,
Йўлларингга тикарман кўз,
Тўкилди ёш, сарғайди юз...

Маҳкамой: Илоҳи, ҳамма хотинларнинг бош эгаси омон келиб
тўйларига бош бўлсин!

Муҳиба: Уруш – жудолик дегани экан. Бировни эридан, бировни
боласидан, бировни юртидан жудо қилар экан уруш.

Озода: Менинг бегим омон қайтадилар-а, опажон?..

Муҳиба: Қайтади, бу кунларни кўрмагандек бўлиб кетасизлар.
Илоҳи қайтсин!

Озода: Бўлмаса мен борай, овқат қилиб қўяй. Мабодо бегим келиб
қолсалар, қоринлари оч келади. Кечикиб келсалар, бир коса олиб қўяман.
Келганларида иситиб бераман.

Муҳиба: Яхши бор, қизим. Омон бўл.

Шаҳринисо: Бечора ақлдан озибди-да.

Маҳкамой: Ўн тўрт кунлик куёвини урушга жўнатиб, уч ой ўтмай қора
хат олиб ўтирган ҳар қандай келин ақлдан озади.

Муҳиба: У ақлдан озгани йўқ. Бир оз таъсирланган, холос.

Шаҳринисо: Хайр, кечга овқат қиладиган вақт бўлди, борайлик.

Маҳкамой: Хайр, соғ бўлинглар.

Муҳиба: Яхши боринглар.

Учинчи кўриниш

Ўша маҳалла кўчаси. Ҳошим ва Жалил ишдан қайтмоқдалар.

Ҳошим: Бугун ишда Шоқосим ака кўринмади, тинчликмикан?

Жалил: Эрталаб келиб жавоб олиб кетган эди, уйига жабрдийда болалардан олар экан.

Ҳошим: Шоқосим ака жуда пухта одам-да. Давлат ҳар бир бола учун пул ҳам, озиқ-овқат ҳам берар экан. Чекни олиб энди ишламай маза қилиб ётса ҳам бўлади.

Жалил: Қалтис гапларни кўп гапирасиз-да, Ҳошимжон. Бу ёғи уруш, кўзга кўринган эрларнинг бари урушга кетган. Аллақачон почтачининг сумкаси тўлиб қора хатлар келаётган, қора хат келмаганларнинг ҳам юраги така-пука бўлиб турган ваҳимали пайтда сиз фойдадан гапирасиз.

Ҳошим: Ҳа, вилоятларда одамлар очдан ўлишаётган эмиш. Бу ҳол шаҳарга ҳам келиши мумкин. Шоқосим ака олдиндан чорасини кўраяпти, демокчиман-да.

Жалил: Кеча ишдан сўнг бозорга бориш учун болалар уйининг олдидан ўтган эдим. Тумонат одам. Ҳамма жабрдийда болаларни олиб кетяпти. Болаларга қарасанг, уларнинг абгорлигидан юрагинг эзилиб кетади, йиғлаб юборай дейсан. Улар меҳрга шунчалар интиқ...

Ҳошим: Дарҳол кириб тўрттасини олиб кетмабсиз-да.

Жалил: Оламан, албатта оламан. Аввал хотиним иккита ўғил бола оламинг деса, кўрқиб, кўп нарсани андеша қилиб турган эдим. Кеча уларни ўз кўзим билан кўриб, албатта оламан деган қарорга келдим.

Ҳошим: Мен ҳайронман, қандай қилиб одамлар бошқаларнинг пушти камаридан бўлган болага оталик, оналик қилишади? Айниқса, у ғайри дин, ғайри миллат бўлса. Мен аниқ билан, ўша болаларнинг тўқсон фоизининг ота-онаси тайин эмас.

Жалил: Кўнгиш тўғри бўлсин, Ҳошимжон. Уларнинг ўтмишини ёпишимиз керак. Ўз боламиз деб қабул қилишимиз керак. Ахир, болалар бегуноҳ-ку!

Ҳошим: Бегуноҳ эмас, Жалил ака. Улар туғилишидан олдин гуноҳга ботган. Уларнинг ота-оналари гуноҳни қилиб, болаларнинг руҳига, қонига жойлаб қўйишган. Ўша золим, беҳаё ота-оналарнинг кўпини мен кўрганман. Сиз уларни билмайсиз, Жалил ака.

Жалил: Уларни ўзимизга ўхшатиб тарбия қилсак...

Ҳошим: Қон бунга йўл қўймайди. Улар бир кун катта бўлишса, кўп беҳаёликларни, бузғунчиликларни, ўғрилиқ, қароқчилик, каззоблик – ҳаммасини халқ орасида намоёиш қилишади. Энг ёмони миллатимизни писанд қилмайдиган, ер билан битта қилиб, тупроққа қорийдиганлар бўлиб етишишади.

Жалил: Қўйинг-е!..

Ҳошим: Мен уларнинг кўпини кўрганман, деяпман-ку...

Ғайрат киради.

Ғайрат: Ҳа, қўшнилари ниманинг баҳсини қилиб келяпсизлар?

Ҳошим: Шунчаки суҳбатлашиб келяпмиз-да.

Жалил: Йўқ, Ғайратжон, айтинг-чи, шу жабрдийдаларнинг Ўзбекистонга кўчириб келтирилишини қандай баҳолайсиз?

Ғайрат: Тушунмадим, бунинг нимасини баҳолаш керак?

Жалил: Улар ўзбек халқининг маънавий ҳаётини бузадими? Уларни тарбияга олиш яхшими, ёмонми?

Ғайрат: Бундай саволни қўйиш ҳам, муҳокама қилиш ҳам, жавоб бериш ҳам ўртоқ Сталиннинг сиёсатига душманлик бўлади. Сизлар айтмадингиз мен эшитмадим. Акс ҳолда бу гапларни тегишли жойларга айтишим керак.

Жалил: Йўқ-йўқ, шунчаки ўша болаларни олсакми-йўқми?.. Шунини ўйлаб тургандик-да.

Ғайрат: Қабул қилиб олинглар, сиёсат шунини маъқул кўради. Улар ҳам одам-ку. Сизлар билан бошқа гаплашиб бўлмайдиганга ўхшайди. Хайр соғ бўлинглар.

Чиқади.

Ҳошим: Ана, кўрдингизми? Ўзимизнинг одамлар ҳам урушга бир бориб келиб ўзгариб қолган. Индамасанг, бориб сени душманга чиқариб сотади.

Жалил: Ғайрат яхши йигит эди-ку. Билмай қолдим, у нимага бундай қилди.

Ҳошим: Урушдан стукач бўлиб қайтибди-да. Яхшиям кўзидан айрилган экан, бўлмаса кўзига кўринганни...

Жалил: У бундай эмас эди... билмадим...

Чиқадилар.

ИККИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш.

Шоқосимнинг фақирона уйи. Полина касал боласини бағрига босиб безовта аҳволда. Атрофида Муҳиба парвона, у дамлама тайёрлаб келиб боланинг оғзига тутлади.

Полина: Опажон, болам ўлиб қолади. Энди нима қиламан?

Муҳиба: Ўзингни бос, қизим, ҳовлиқма. Ҳозир дадаси дўхтир олиб келади.

Полина: Йўқ, мана, дамламани ҳам юта олмаяпти... нафас ҳам ололмай қолди, қаранг!..

Муҳиба: Тўхта, болани менга бер (*дамлама ичиришга ҳаракат қилади, бўлмайди*). Қачон эмган эди?.. Эммаган, касали ўтиб кетибди-да... Вақтида даволатмабсан-да... Изи куйсин бу урушнинг... Қоч-қоч замонда касални даволатиб бўлармиди?.. Бегуноҳ норасидагиналарнинг заволи тутсин ўша фашистларни...

Шоқосим ва врач киради.

Врач: Қани, олиб келинглар-чи. Бола неча ойлик?

Полина: Ўн бир ойлик.

Врач: (*болани текшириб кўриб*) Онаси, боланинг касали жиддий. Боланинг мияси қаттиқ зўриққан. Менингоэнцефалит. Мия сувнинг ичида... ўпка, жигар, буйрак, ичаклар – ҳаммасида аҳвол ёмон... Қачон сийган эди?

Полина: Кечадан аввалги кун... Ҳеч нарса еб-ичаётгани йўқ-да...

Врач: Ундан эмас. *(Болага укол қилади)*. Хўш... *(бир оз ўйлаб)* Шоқосим ака, мен сизга дорилар ёзиб бераман, олиб келиб берасиз. *(Четроқ олиб чиқиб, овозини пастлаб)* Бола нари борса бир-икки соатда кетади, тамом бўлган. Энди ҳеч нарсанинг фойдаси йўқ. *(Овозини кўтариб)* Бирор соатларда менинг олдимга борасиз, мен ҳозир яна бир касални кўриб келишим керак.

Шоқосим: Хўп, дўхтир.

Врач чиқади.

Муҳиба: Дадаси нима гап?

Шоқосим: Полина, қизим, сен кўп азоб кўриб пишган, дунёни яхши тушунган қизсан. Мен бола қабул қилиб олишга борганимда ана у катта ўғлингни кўриб, унга меҳрим тушиб қолди. Унинг хусну жамолда тенгсизлигига қара. Унинг ақли олти ёшли боладек. Кеча йигирмата ўзбекча сўзни ёд олиб ўзбекча гапира бошлади. Қандай ажойиб! Бу энди менинг ўғлим, жоним, жигарим... Отаси билан бахтли бўлса қани эди... Лекин тақдир экан... Худо шундай болани менга йўлиқтирганига шукур... Сен унинг онасисан! Қандай бахтиёрсан... шундай болани дунёга келтириб... Лекин тақдирнинг ҳамма ҳукмига тайёр бўлишимиз керак...

Муҳиба: Нега бу гапларни гапираяпсиз, дадаси?

Полина: Болам! Болам нафас олмай қолди!.. Вой!.. Дадажон!.. *(Дод солиб йиғлай бошлайди)*.

Шоқосим: Болани менга бер. Онаси Полинага қара!.. Ло илоҳа иллоллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ. Ашҳаду ан ло илоҳа иллоллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ... Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожеуун...

Муҳиба: Қизим, сенга худо сабр берсин. Йиғлама, жон қизим, йиғлама...

Шоқосим: Онаси болага жой тайёрла, жони узилиб бўлди, ўраб кўяйлик.

Полина ўксиб-ўксиб йиғлайди, Муҳиба жой тайёрлаб болани ётқизадилар. Маҳкамой ва Шаҳринисо кирадилар.

Маҳкамой: Нима бўлди, вой ўлай!.. Бола бўлмадими?.. Бечорагиналар...

Шаҳринисо: Вой, ёмон бўлибди-да. Булар билан бир юқумли касаллик келган бўлса, ана энди ҳамма кирилиб кетади...

Шоқосим: Нафасингизни иссиқ қилинг, келин. Булар менинг болаларим. Уларни ҳеч кимга хорлатиб, зорлатиб қўймайман. Бола узоқ вақт касал бўлган. Уни уруш сабаб, кўчириш сабаб бир жойда туриб даволатиш имкони бўлмаган. Шароитсизликдан боланинг оддий шамоллаши авж олиб кетган. Буни дўхтирлар айтди. Ҳеч қўрқманг, юқумли касаллиги йўқ. Агар қўрқсангиз, бу ерга келиб ўтирманг, ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Шаҳринисо: Йўғ-е, қўшни, эҳтиёт чораси учун айтаяпман-да.

Муҳиба: Илтимос, мурданинг устида жанжал бўлмасин.

Шаҳринисо: Тўғри, ундан кўра, бу болага жаноза ўкиладими, ювиладими, қаерга кўмилади – шуларни маслаҳат қилайлик. Булар муаммода, тўғрими? Ахир, булар мусулмон эмас-ку?

Муҳиба: Ҳаммаси одатдагидек бўлаверади, Шаҳринисо, гапни кўпайтираверманг.

Шаҳринисо: Мусулмонлар қабристонига кофирларни қўйишмайди-и-и.

Полина: Вой ўлай, нима кунларга қолдик!? Наҳотки, болагинамни сўнгги йўлга ҳам муносиб кузата олмасам? Фариштагина мурғак боламнинг вужуди хор бўладими?! Сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасмиди, болагинам!..

Шоқосим: Бас қилинг, Шаҳринисо. Бу ерда мен нима десам, шу бўлади. Уруш туфайли қанча-қанча мусулмон фарзандлари насронийлар еридада жон бериб ҳалок бўлмоқда. Уларнинг мурдалари қаерга кўмилаяпти? Насронийлар ерига! Биз нега буларга қабристонимиздан жой бермаслигимиз керак!? Уруш ғалаба ва тинчлик йўлида эътиқодларимиз чегараларини ҳам бузиб ташлади. Уруш ниятларимизни умумийлаштиргани каби қабристонларимизни ҳам бирлаштирди. Болагинанинг жасадини ўз мазористонимизга, ўз пуштамизга қўямиз. Бошқа йўл йўқ!

Полина: Минг раҳмат, дадажон, худо ёрлақасин сизни!..

Иккинчи кўриниш

Ҳошимнинг уйи. Эр-хотин ўзаро баҳслашмоқда.

Ҳошим: Бўлмайди дедимми – бўлмайди. Ҳеч ким бизни мажбурлаётгани йўқ-ку.

Шаҳринисо: Биз тирноққа зор бўлиб ўтаверамизми? Ундан кейин менинг Муҳиба билан Маҳкамойдан нима камим бор. Улар кўчага чиқиб олиб болаларининг қилиқларини бирам гапиришади-ей, бирам гапиришади. Мен тишимда ишқор бордек мўм тишлаб ўтираман.

Ҳошим: Инсон ўзини қийнаган нарсани бошқалар олдида фахр билан гапиради. Аслида улар ўзларидан ўтганни ўзлари билади. На кечаси ором бор, на кундузи уларда. Бирининг иссиғи чиқади, бири бир бекиликлик қилади – уларда тинчлик борми? Бири очқолдим дейди...

Шаҳринисо: Болаларни олганларнинг ҳеч бири ўлиб қолгани йўқ. Туғиш осонми? Қийинчилик бўлади деб аёллар қачон туғмай қўйган? Қийинчилик бўлади... Бўлса бўлсин, она бўлиш осонми?

Ҳошим: Туғиш бошқа, сақлаб олиш бошқа. Тукқан боланг ўзингга ўхшайди, унда ўз қонинг оқади. Сақлаб олинган боланинг томирида кимнинг қони оқаётганини билмайсан-ку! Ким билади, у ўғрининг боласими, қаттол-қотилнинг боласими, бузукнинг боласими?!

Шаҳринисо: Майли, нима бўлса бўлсин, сақлаб олинган болага бўлса ҳам она бўлишим керак! Менинг Муҳиба билан Маҳкамойдан камим йўқ. Гап тамом, вассалом.

Ҳошим: Ҳали уларнинг нима бўлишини кўрасан. Сақлаб олган болаларини очдан ўлдириб, шарманда бўлишади, қамалиб кетишади. Булар камоқ нима эканини билишмайди, кўришмаган. Сен мени нимага мажбур

қилаётганингни биласанми? Мен ўзим ёмон кўрган миллатнинг боласини бағримга олиб боқаманми!? Мени имонимга, эътиқодимга, виждонимга қарши иш қилишга мажбурлайсанми!?

Шаҳринисо: Виждон? Виждонингиз меҳрга муҳтож бўлиб турган болаларга мурувват қилишга қўймайдими? Етим болани боқиш дунёдаги ҳеч бир динга ҳам, имонга ҳам, эътиқодга ҳам қарши эмас. Аксинча савоб бўлади-ку!

Ҳошим: Аждаҳодай комига тортаётган очлик-чи? Давлатга ҳам ҳайронман, бу ёқда қозонда қайроғ-у, у ёқда бойқушдай сайроқ. Одамлар очликдан кунжара еб ёрилиб ўлаяпти. Урушдан қолган одамнинг ўндан тўққизи оч-яланғоч, гадойлик қилиб юрибди. Умуман, халқ хароб аҳволда. Шу ҳолда ўзгаларнинг болаларини боқишни ҳаёл қилиш, сичқоннинг думига ғалвир боғлаганидек гап!..

Шаҳринисо: Хўжайи-и-ин, хўжайинжо-о-он. Ўзингиз ажойиб одамсиз-ку. Хўп денг. Биттагина ўғил бола олайлик, хўп дея қолинг. Ҳамма машаққатни ўзим зиммамга оламан. Шу Муҳиба билан Маҳкамойдан кам қилманг. Шуларнинг олдида тилим узун бўлсин, илтимо-о-ос!..

Ҳошим: Мен ҳаммасини тушунтирдим. Тушунмасанг, ўзинг биласан. Ҳамма гуноҳу савоби ўзингга. Билганингни қилавер.

Учинчи кўриниш

Маҳалла кўчаси. Шоқосимни орқадан почтачи чақириб, қувиб етади.

Шоқосим: Ҳа, хатми?

Почтачи: Ҳа, хат...

Шоқосим: Қайсидан?

Почтачи: Кичиги... Шовали...(хатни беради, Шоқосим шошилиб уни очади)

Шоқосим: Имम्म!!! Қаҳрамонларча... имम्म!.. (ўтириб бошини чангаллаб қолади, почтачи кетмоқчи бўлади) Тўхтанг!.. Бу ҳақда ҳеч кимга айтманг.

Почтачи: Хўп бўлади (чиқади).

Ҳошим, Жалил ва Ғайрат кириб Шоқосимни аянчли аҳволда кўрадilar.

Жалил: Шоқосим ака, нима бўлди? Нима гап?

Шоқосим: Ҳеч нарса, ҳеч нарса бўлгани йўқ. Шунчаки... бошим айланиб кетди...

Ҳошим: Қўлингиздаги нима? Хатми? Қора хатми?

Шоқосим: Ҳа, қора хат. Шовалигинам Ленинград қамалида қаҳрамонларча ҳалок бўлибди.

Ҳошим: Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожеуун.

Жалил: Аллоҳ раҳмат қилсин.

Ғайрат: (Ҳамма билан бирга) Омин, Аллоҳу акбар!

Шоқосим: Энди, оғайнижонлар, сизлардан бир илтимосим бор, бу воқеани ҳеч кимга айтмайсизлар. Айниқса хотинимга.

Жалил: Нега?

Шоқосим: Биринчидан уйимда кўнгли ярим жабрдийдалар бор. Агар Полина эшитса, дарди янгиланади. Хотиним бўлса, бешта болага хизмат қилиб чарчаган. У ўғилларининг омон қайтиши умиди билан тирик. Акс ҳолда йиқилади. Бу ғамни кўтара олмайди. Сизларга ишондим, ҳеч кимга айтманглар, илтимос.

Жалил: Хўп, юринг, уйингизга кузатиб қўяй.

Шоқосим: Йўқ, сизлар бораверинг. Мен ўзимни босиб олай, кейин кетаман. Бораверинглар, ҳеч ким кўрмасин. Хўп, хайр.

Ҳошим, Жалил ва Ғайрат чиқади.

Шоқосим: Қайдан келиб қаён кетдинг, ўғлоним,
Шамолмидинг, елиб ўтдинг ёнимдан!?
Шамол ўғлим, шошган болам, полвоним,
Узиб кетдинг бир риштани жонимдан.

Қайдан келиб қаён кетдинг, ўғлоним,
Юлдузмидинг, бевақт учиб кетдингми?
Юлдуз болам, етиб бўлмас армоним,
Кўзим етмас манзилларга етдингми?..

Қайдан келиб қаён кетдинг, ўғлоним,
Ё гулмидинг кузак чоғи очилган?
О гул болам, эслатгувчи хазоним,
Ёшларимдек қаро ерга сочилган.

Қайдан келиб қаён кетдинг, ўғлоним,
Чақинмидинг чакнаб ёнган бир зумга?
Чақин болам, ўтда куйди жаҳоним –
Не деб атай, жоним келар бўғзимга?

Қайдан келиб қаён кетдинг, ўғлоним,
Ҳасратингни кўмар бўлдим дилимга.
Волиданг гар хабар топса, ниҳоним,
Икки жаҳон ёнар – бошлар ўлимга...

Тўртинчи кўриниш.

Жалилнинг уйи. Радиокарнайда Ғафур Ғуломнинг “Сен етим эмассан” шеърини ўқийётгани эшитилиб туради. Жалил ва Маҳкамой учта болани тарбиялашмоқда. Болалар ўйнаб ўтиришибди, атрофида Жалил ва Маҳкамой кузатишмоқда.

Маҳкамой: Ғафур Ғулом “Сен етим эмассан”ни жуда қотириб ёзди-да.

Жалил: Ҳа, кеча Беш ёғочда Ғафур Ғулом билан кўришиб қолдим. Учта бола олиб қараётганимизни айтган эдим жуда хурсанд бўлдилар. “Сен етим эмассан” шеърим сиздек олижаноб кишиларимиз қалбининг овози, дедилар. Бу гапдан бошим осмонга етди.

Озода киради.

Озода: Ассалому алайкум.

Жалил: Ва алайкум ассалом.

Маҳкамой: Кел, қизим.

Озода: Бегим совуқ ерларда юрган бўлсалар керак деб жун пайпок тўқидим. Опажон, бир кўринг-да, сизга маъқулми?

Маҳкамой: *(пайпоқларни кўриб)* Вой, бунча яхши.

Озода: Жалил акам бир кийиб кўрсинлар, оёқларини қисмасмикан, билиб олай. Агар ёқмаса, бузиб қайта тўқийман.

Жалил: Ҳа, яхши. Кийиб кўрмасам ҳам, менга ёқди.

Болалардан бири озода ва Маҳкамойнинг атрофида айлана бошлайди.

Маҳкамой: Ҳа, болам. Нима бўлди?

Бола: Бу аёл ким?

Маҳкамой: Бу Озода опанг. Яхши опа, чиройли.

Озода: Ҳа, укажон. Сенга ёқмадимми?

Бола: Йўқ, ёқдингиз. Гапиришингиз онамга ўхшар экан.

Озода: Сен ўзи қаерликсан, укажон, қайси миллатдансан?

Бола: Белорусман. Нима эди?

Озода: Сен ўша ёқларда Мирсаид ака деган йигитни кўрмадингми? Тик қоматли, елкаси қирдай, кўкраги хирмондай, кўзлари бургутникидай, қошлари камондай, тишлари дурдай, юзлари ойдай, сўзлари асалдай бир йигитни кўрдингми? Кўрган бўлсанг, “Тошкентга борсанг, Озодамга салом айт”, демадимми? Тезда душманни ер тишлатиб, омонликда қайтиб бораман, айтиб қўй, мени кутсин, демадимми? Айт, укажон! Узоқдан кўрган бўлсанг ҳам, айт. Уни кўрдим, омон юрибди, дегин, жон укажон. Ҳеч бўлмаса, шундай йигитни кўришибди, ботирларча жанг қилиб юрганини айтишди, дегин, укажон. Тилларингдан, бўйларингдан ўргилай, гапиргин укажон!..

Бола йиғлай бошлайди. Бошқа болалар ҳам унга қўшилиб йиғлайдилар.

Маҳкамой: Озода, қизим. Мана, дадаси эшитиб келдилар. Соғсаломат юрган эмиш, тинчлангин, қизим.

Жалил: Ҳа, мен вокзалда бир ярадор аскарни кўрдим. Мирсаиднинг соппа-соғ юрганини, ишлари яхшилигини айтди. Ғалаба яқин, у ғалаба билан келади, деди.

Озода: Унда бегим нега хат ёзмайдилар?

Жалил: У кўп хат ёзар экан, унинг хатларини олиб келаётган поезднинг йўлини душманлар тўсиб қўйибди. Бизникилар озод қилишса, хатлари гуриллаб келиб қолади.

Озода: Шундай денг, акажон. Илоҳи омин, айтганингиз келсин.

Маҳкамой: Қизим, энди овқат қиладиган вақтинг бўлди. Уйингга бора қолгин. Биз ҳам болаларни тинчлантириб олайлик.

Озода: Хўп, бўлади. Яхши қолинглар, бахтимга соғ бўлинглар.

Маҳкамой: Ҳа, болаларим, сизларга нима бўлди?

Бола: Уйимни, ойимни, дадамни соғиндим. Кетаман...

Жалил: Яхши, ўғлим. Уруш тугасин, ўзим сизларни бир-бир уйларингизга, ота-оналарингиз олдига олиб бориб қўяман.

Бола: Кетаман... ҳозир кетаман...

Жалил: Айтдим-ку, ўзим олиб бориб қўяман. Ҳозир даданг билан ойинг урушда, душманларни қиришяпти. Улар уйингизга қайтиб келишсин, олиб бориб қўяман.

Бола: Улар ҳар куни кечқурун уйга келишарди. Ҳозир кеч бўляпти, келиб қолишади... кетаман!..

Маҳкамой: Болаларим, ширин овқат пиширдим, еб олинглар. Кейин уйингизга борасиз.

Бола: Йўқ, овқат емайман! Кетаман!..

Жалил: Хўп, майли, майли. Мен ҳозир вокзалга чиқиб билет олиб кетаман, унгача сизлар овқатни еб турунглар.

Бола: Поезд керак эмас, ўзим кетаман...

Жалил: Болам, уйингиз жуда узоқда қолиб кетган. Сизларни поезд билан олиб келишган, тўғрими? Яна поезд билан бормаса, уйингизга бориб бўлмайди, шундайми? Акаси, сен айтгин, уйларингизга пиёда бориб бўлмайди-а?

Бошқа катта бола: Ҳа, уйимиз жуда узоқ. Уруш тугамаса кетиб бўлмайди. Йўлда фашистлар бор.

Жалил: Ана кўрдингми? Йўлда фашистлар бор. Даданг уларни қириб тугатсин, кейин борамиз. Кел, онанг овқат сузиб келгунча сени бир самолёт қилиб қўтарай. Кел, жоним болам, келақол... Ана, самолёт қандай учади?..

Болани қўтариб айлантириб ўйнатади.

Бешинчи кўриниш

Маҳалла кўчаси. Ҳошим ва Ғайрат кўришадилар.

Ҳошим: Ғайратжон, ўзи сизни кўрмоқчи бўлиб юрган эдим.

Ғайрат: Хўш-хўш, Ҳошим ака. Нима хизмат?

Ҳошим: Ўша куни Жалилнинг гапини эшитдингиз-а.

Ғайрат: Ҳа, нима эди?

Ҳошим: Шу... Жалилнинг ҳам, Шоқосим аканинг ҳам авзойи бузуқ.

Ғайрат: Нега? Нима қилишди?

Ҳошим: Шу... Сизга айтсамми, айтмасамми?

Ғайрат: Нима гап экан?

Ҳошим: Одам оласи ичида-да, иним.

Ғайрат: Нима қилишяпти улар?

Ҳошим: Шу... Пана-панада қалтис гаплар қилишади-да. Давлатга қарши, ҳукуматга қарши, ўртоқ Сталинга қарши гаплар қилишади-да. Яна миллат, миллий деган сўзларни кўп ишлатишади. Шоқосим ўғли учун бир мулла топиб, ҳеч кимга билдирмай Қуръон ўқитибди.

Ғайрат: Яна нималар қилишади?

Ҳошим: Шоқосим ака ҳеч кимга билдирмай янги масжид очилди-ку, ана шу жойга ҳам бориб келар экан.

Ғайрат: Хўш-хўш?..

Ҳошим: Янаям билмадим-ку, шу уйига олиб келган Полина деган аёлча бор-ку, уни ҳам иккинчи хотин қилиб олганми, олмоқчими?.. Унинг боласи ўлганда қандай ғамхўрлик қилганини кўрдингиз. Ўз ўғли ўлганини ҳам ҳеч кимга айтмай юрганининг сабаби ҳам ўша аёлча бўлса керак...

Ғайрат: Хўш, шу гапларингиз рост бўлса, мен нима қилишим керак?

Ҳошим: Керакли жойга етказиш керак-да. НКВДга дейман-да.

Ғайрат: Нега шу гапларни ўзингиз бориб айтиб бермайсиз?

Ҳошим: Менга ишонишмайди, мен ноҳақ бўлса ҳам, бир қамалиб чиққанман-ку.

Ғайрат: Ҳошим ака! Одам эмас экансиз. Сизни ўзи Сибирдан қайтармаслик керак экан. Сизни ўша ёқдан қайтариб олиб келган раис поччангиз ҳам одам эмас экан. Сиз халқ душмани экансиз-ку!..

Ҳошим: Ғайратжон! Тўхтанг!..

Ғайрат: Сизга қолса, бир маҳаллада яшаб келган, тўйи бир, маъракаси бир икки қўшнингизни, икки меҳнаткаш, жафокаш инсонни уйини куйдириб, ёстиғини қуриб, йўқ қилиб юбориш керак экан-да! Ҳайф-е сизга. Садкаи одам кетинг!

Ҳошим: Йўқ, мен ундай демоқчи эмас эдим...

Ғайрат: Айтадиганингизни айтиб бўлдингиз. Тўхтанг, сиз мени ким деб ўйлаяпсиз? Мени чакма-чақар стукач деб ўйлаяпсизми? Мен мана шу заҳматкаш, фидойи халқим ҳимояси учун, Ватаним – Ўзбекистоним учун икки кўзимни уруш майдонида ташлаб, кўр бўлиб келдим. Сизнинг кўзингиз жойида турган бўлса ҳам, аслида сиз кўр экансиз. Нонкўрсиз! Шу элнинг, кўшниларикининг тузини, нонини егансиз. Тузини еб, тузлуғига тупуриш экан-да. Бу туҳматларингиз учун жавоб берасиз...

Ҳошим: Нима деяпсиз, Ғайратжон? Мен сизга ҳеч нарса деганим йўқ. Ўзингизча нималар деяпсиз?

Ғайрат: Бугунги кунда ғалаба ҳамма нарсадан муҳим. Сиз ғийбат қилаётган одамлар барча тошкентликлар, йўқ бутун ўзбек халқи кимлигини дунёга кўрсатиб қўйиш учун жонларини неча азобга қўйиб ғалабага ҳисса қўшаяптилар. Сиз бўлсангиз... Ҳайф-е сизга!..

Чиқадилар.

Олтинчи кўриниш

Шоқосимнинг ҳовлиси. Ҳовлидаги супа устида Муҳиба ва Полина суҳбатлашиб ўтирибдилар. Шаҳринисо киради.

Шаҳринисо: Қандай, тинчгина яхшигина ўтирибсизларми?

Муҳиба: Яхши, айланай, келинг.

Шаҳринисо: Болалар бошларингизни оғритмаяптими?

Муҳиба: Бу нима деганингиз? Болали уй бозор. Бу болалар катта бўлиб шундай катта одамларга айлансинки, соясида биз ҳам маза қилиб юрамиз-да. Ҳозир мен бир чой дамлаб келай...

Полина: Йўқ, онажон, мен... (*Шаҳринисо унинг этагидан тутиб тўхтатади*)

Муҳиба: (*кўриб кўрмасликка олади*) Йўқ, ўзим. Сен Шаҳринисо опанг билан суҳбатлашиб тур.

Муҳиба оиҳона томон кетади.

Полина: Ҳа, опа, нима гап?

Шаҳринисо: Айланай, буларнинг уйи куйган. Урушдаги кичик ўғли Шовали ўлибди. Шоқосим ака қора хат олган, ҳеч кимга айтмай юрибди.

Полина: Нима?

Шаҳринисо: Лекин Муҳибага айтмасам, виждоним қўймаяпти. Айтсам, эридан балога қоламан.

Полина: Қачон бўлган бу воқеа?

Шаҳринисо: Анча бўлган. Эсиз-эсиз... яхши бола эди-да.

Полина: Ахир, яқинда хат келганди, Шоқосим дода ўқиб бергандилар.

Шаҳринисо: Э, бу Шоқосим аканинг ҳийласи.

Полина: Келяптилар, бўлди.

Муҳиба чой кўтариб киради.

Муҳиба: Шаҳринисохон, мени Полинага ғийбат қилиб бўлдингизми?

Шаҳринисо: Йўғ-е, биз ҳам бола олсакми, деб маслаҳат қилаётган эдим. Полинахон ишга киргандан буён гаплашмаган эдим. Ишларидан сўзлашиб ўтирибмиз-да.

Муҳиба чой узатади, Шаҳринисо ича бошлайди.

Полина: Урушда бизникилар ғалабага яқинлашибди. Бугун бизнинг босмахомамизга бир ҳарбий киши келиб гапириб берди. Шу зайлда жанг борса, кўп ўтмай ғалабага эришар эканмиз.

Муҳиба: Тезроқ тугасин-е. Ўғилларимни шундай соғиндимки, ўлиб бўлдим. Яхшиям, Полинани, тўртта болани асраб олган эканмиз. Бўлмаса, уй хувиллаб бизни еб қўяр экан.

Шаҳринисо: Лекин бу очарчилик балоси ҳали-бери кўтариладиганга ўхшамайди. Водийда ҳам, Бухорода ҳам, Қашқадарё, Сурхондарё деган томонларда ҳам одамлар гуруҳ-гуруҳи билан очдан ўлаётган эмиш. Олиб келинган поляклар айниқса очликдан бу ерларнинг шароитига ўрганолмай қирилиб қолаётган эмиш. Мамлакатнинг ҳеч жойида ўлим биздагидек эмас экан.

Муҳиба: Уруш тугаса, очлик ҳам тугайди.

Шаҳринисо: Хайр, мен борай. хўжайиннинг ишдан келар вақтлари бўлиб қолди.

Муҳиба: Ўтирувдингиз яхши гаплардан гапириб.

Шаҳринисо: Борайин-чи (*чиқади*).

Полина: Онажон... (*йиғлаб юборади*)

Муҳиба: (ҳовлиқиб) Нима бўлди, қизим? Бирор жойинг оғридими?
Полина: Йўқ, онажон!.. Сиз... ўзингизни қўлга олинг, онажон...
Муҳиба: Тушунтириброк гапирсанг-чи, нима бўлди?
Полина: Додам қандай одам?
Муҳиба: Нима бўпти? Очик гапир!
Полина: Додам, бир сирни сиздан яшириб юрган эканлар...
Муҳиба: Қандай сир? Ха-а, қандай сирлари бор экан у кишининг?
Полина: Жуда ёмон!
Муҳиба: Айта қолсанг-чи...
Полина: Қора хат... Қора хатни яширганлар...
Муҳиба: Нима? Қайси қора хатни?
Полина: Шовали!..
Муҳиба: (бошини чангаллаб, зор қақшаб) Эвоҳ! Умидим!.. Алп ўғлоним!.. Полвон болам!.. Сен қаердан эшитдинг буни?
Полина: Шаҳринисо опа айтдилар. (Муҳиба йиғлаб уйга кириб кетади.) Нега айтдим-а?! Энди эр-хотин ўртасида жанжал бўлади... Айтмасам нима бўлар эди? Она бечора боласининг ўлганини билмай юраверсинми? Пуч умид билан яшасинми? Қанча аччиқ бўлса ҳам ҳақиқат яхши эмасми?.. Жанжал бўлиб оила пароканда бўлиб кетса нима бўлади?.. Мен-ку ишли бўлдим, жойимни топиб кетаман, анави етим болалар нима бўлади?.. Уф!!! Бечора она!.. Додам нега буни хотинидан яширди экан-а?..
Муҳиба киради.
Муҳиба: Қизим, доданг келсалар, бу гаплардан оғиз очма. Буни гаплашишнинг ўз вақти келади.
Полина: Нима бу, ҳийлами? Тушурмоқчимисиз?
Муҳиба: Йўқ, қизим, йўқ. У ҳам ўзини, ҳам бизни овутиб келаётган. У ғам чекаётганини кўриш менга, мен азоб чекаётганимни кўриш унга жуда оғир. Бўлар иш бўлибди, ўғлимни худо раҳмат қилсин, у шаҳид кетибди. Бу кўпга келган тўй... Энди чидашим керак. Мен ҳам унга айтмайман... Умид узилиб, бир-бировимизга қўшилиб ғам чеккандан кўра, бир-бировимизни овутганимиз маъкул.
Полина: Бунақасини ҳеч кўрмаганман, эшитганим ҳам йўқ. Сиз тошкентликлар қандай олижаноб одамларсиз!.. Ана додам келяптилар.
Шоқосим киради.
Шоқосим: Хотин суюнчи бер, икки ўғлимиздан ҳам хат келибди.
Муҳиба: Суюнчига ширин жоним садаға, тезроқ ўқиб беринг, дадаси.
Шоқосим: Мана, каттасининг хатидан бошлайман (Муҳиба ва Полина йиғлаб тинглайдилар): “Ассалому алайкум менинг азиз дадажоним, меҳрибон онажоним! Иккалангиз ҳам яхши юрибсизми? Қариндошлар, маҳалладошлар – ҳаммалари яхшими? Асраб олган фарзандларингиз ҳам соғ-саломат юришибдими? Сизларни чарчатиб қўйишмаяптими? Мендан сўрасангиз, мен яхшиман. Германияга яқинлашиб қолдик, аниқроғи унинг чегарасидамиз. Бир-икки ойда Берлинни оламиз ва ғалаба билан қайтамиз.

Ҳамма дўстларим яхши. Мен яқинда полковник унвонини ва “Қизил Юлдуз” орденини олдим. Мендан ҳамма қариндошлар ва маҳалладошларга салом айтиб қўйинг. Соғликда кучоқ очиб кўришгунча хайр. Омон бўлингизлар. Сизларнинг полковник ўғлигиз Шоалим. 1-март, 1945 йил”.

Ана! Бунча қисқа ёзмаса бу бола. Майли Шовалининг хатини ўқийлик-чи: “Ассалому алайкум дадажон ҳамда менинг ҳаммадан азиз, меҳрибон, ҳамма оналардан ғамхўрим онажоним...” Ие, бу нимаси? Бизга фақат дадажон, онасига бир қулоч мақтов? Ҳа, майли, она она-да. “Яхши юрибсизларми? Онажон бизни кутиб чарчамаяпсизми? Соғлигингиз жойидами? Биз Болгария ва Венгериyani тўла озод қилдик. Фашистларнинг додини бераяпмиз. Худо хоҳласа, акам билан бирга борамиз. Бизга келин топиб туринг, уйлангим келяпти...” Ие, бола ўзидан кетяптими? Уят йўқми? Авваллари бизлар бундай гапларни отамизга, онамизга айтишга уялар эдик. Ҳа, майли келсин, адабини бериб қўяман. Хўш. “Онажон”... Бунча онажонлайди, даданг йўқми сен боланинг? “Онажон, тушларимга кириб чиқасиз, сизни соғинганга ўхшайман. Насиб бўлса, дийдор яқин. Мен боргунча чарчаманг. Ҳаммага мендан салом! Хайр”. Бу хат ёзган санасини ҳам ёзишга эринган, эринчоқ. Майли, барибир яхши.

Муҳиба: Хатларни менга беринг.

Шоқосим: Мана, Шоалимники, Шовалиники ўзимда туради. Ўзим сақлаб қўяман, ҳали келсин, бу ердаги гапларига жавоб беради.

Муҳиба: *(хатни кўзига суртиб, бағрига босиб, йиғлаб)* Майли, Шовалиники сизда тура қолсин.

Шоқосим: Ия, мен қўшалоқ хушхабар олиб келсам-у, бир пиёла чой бермайсизларми?

Полина: Мен ҳозир, *(чой сузиб узатади, Шоқосим ича бошлайди)* ҳозир овқат келтираман.

Муҳиба: Тўхта, овқатни ўзим сузаман.

Полина ва Муҳиба чиқадилар.

Шоқосим: Ўғлим, умидингсиз қаро кунларим,
Бўғзимдан чиқмайди ҳазин унларим,
Шоми ҳажр уфқида оҳ – учкунларим,
Дийдор қиёматга қолдими, болам?!

Баҳор келганида кўнглимда хазон,
Тераклар барг силкир, вужудим ларзон,
Қушлар ин қуради, мен хонавайрон,
Эс-ҳушимни ҳажринг олдими, болам?!

Жангу жадалларда қирғин ароман,
Изларингни излаб, топмай адоман –
Туш кўриб мустару мотамсароман,
Борлигингсиз борим толдими, болам?!

Етимлар бошини силайман гоҳо,
Бўйдан бўйларинг тилайман гоҳо,
Сўзим ёлғон чўққа белаёман гоҳо,
Айролик дилга ўт солдими, болам?!

УЧИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш.

Маҳалла кўчаси. Жалил ва Ғайрат кирадилар.

Жалил: Ғайратжон, сизга ҳам қийин бўлди. Онангиз вафот этганига, бир ўзингиз яшаётганингизга ҳам анча бўлиб қолди. Уруш ҳам якунланиб борапти. Энди ўзингизга бир жуфти ҳалол топиб, турмуш қурсангиз бўлар эди.

Ғайрат: Бу ҳақда анчадан буён ўйлайман, Жалил ака. Лекин мамлакатда ўзини ўз қилмаган қанча-қанча етимларни ўйлайдиган вақт бировнинг олдига бориб, мени ҳам ўйланглар дейишдан истиҳола қиламан.

Жалил: Мана, энди етимларнинг келишлари ҳам тўхтади. Энди ўзимизни ҳам ўйлайдиган вақт келяпти. Йигитлар камайиб қолганидан қанча қизлар вояга етиб турмуш қуролмай ўтиришибди. Бирортасини айтсангиз, ўзим бориб гаплашиб келардим.

Ғайрат: Йўқ, ака. Мен шу аҳволимда қизларга оғиз сололмайман. Иложи бўлса, ўзимга мос бирорта “Эрим яримжон бўлса ҳам қайтиб келса эди” деб турган эрсиз қолган келинлардан топсак яхши бўларди...

Жалил: Э, унда, ана, Озода яхши-да.

Ғайрат: Йўқ, йўқ! Унинг эри бедарак кетган. Тирик бўлиши мумкин. Эҳтимол, бир кун қайтиб келар. Қолаверса, Озода эрини шунчалар умид ва ишонч билан кутяптики, ҳозир у бошқа кишини қабул қила олмайди. Эҳтимол, ҳеч қачон қабул қила олмас.

Жалил: У эрини бир нафас ҳам эсидан чиқармайди. Унинг тириклигига, қайтиб келишига қаттиқ ишонади. Ҳар куни эри учун нимадир тайёрлайди, ҳар куни эри учун овқат пишириб сақлаб ўтиради. Худди ҳозир кириб келадигандек.

Ғайрат: Шунинг учун уни тинч қўяйлик.

Жалил: Унда Полинага нима дейсиз?

Ғайрат: Қайдам? У уруш тугагач, ўз юртига қайтиб кетаман деб қолмасмикан?

Жалил: Унинг калити Шоқосим акада. Шоқосим ака нима деса, у кўнади.

Ғайрат: Яхши, мен бир ўйлаб кўрай, кейин яна гаплашамиз.

Жалил: Энди ўйлашни чўзиб юборманг. Хўп, яна кўришамиз.

Чиқадилар.

Иккинчи кўриниш.

Шоқосимнинг уйи. Полина болаларга дарс тайёрлатмоқда. Муҳиба боласини йўқлаб йиғлаб ўтирибди.

Муҳиба: Кўксига бош қўйсам, тоғ бўлган болам,
Юракка соғинчи доғ бўлган болам.
Дардимга истадим бир малҳам – вафо,
Вафо деб топганим чўғ бўлган, болам.
Бу бемор бағримни ўййми, болам?!
Букилган отангга куяйми, болам?!

Ажал базм қурган қай жой, қай макон,
Балки “Онажон!” деб бергандирсан жон!
Лоақал жасадинг ювиб тарамай,
Мозорга тикдими тақдир беомон!?
Сенга зор бағримни ўййми, болам?!
Тўкилган отангга куяйми, болам?!

Ширин орзулардан бегона бу ҳол –
Ёш умринг топди-ку бемаҳал завол,
Ғам-ку азоб, гоҳо меҳр ҳам малол,
Зор-ночор бағримни ўййми, болам?!
Эгилган отангга куяйми, болам?!

Онасини кўмсаб етимлар гирён,
Кўксимга бош қўйиб, ўйлари ҳар ён,
Кўксим чоҳи тўлмас не қилай, нолон? –
Беқарор бағримни ўййми, болам?!
Йиқилган отангга куяйми, болам?!

Шоқосим киради.

Шоқосим: Нега бундай хафасан, онаси?

Муҳиба: Йўқ, ҳамишагидайман-ку.

Шоқосим: Кўзларинг ёшли, йиғлабсан-ку.

Муҳиба: Йиғлаганим йўқ. Нега йиғлай, ахир? Қанча йигитлар
урушда қурбон бўлиб, улар ўрнига қора хатлар келиб, ота-оналарининг юрак-
бағирларини ўртаганда бизнинг болалар соғ-саломатликларини эшитиб
турган бўлсак, нега йиғлай?..

Шоқосим: Уруш бизнинг юртда бўлмаса ҳам, унинг сояси юртимизга
калин тушди. Бу соя бизни ёруғ кунлардан жудо қилди.

Муҳиба: Уруш ҳамманинг боласини тортиб олди, бағирларни ўйди.

Шоқосим: Уруш кўп болаларни ота-онасидан ҳам жудо қилди. Етим
қўзиларни боласи ўлган қўйларга эмизганларидай уруш етим болаларни
бағри ўйилганлар кучоғига келтириб солди.

Муҳиба: Инсон кўп нарсага чидар, қўнар экан.

Шоқосим: Инсон келажакдан умид узмаса, у ҳамма нарсани енгади!..

Озода киради. Унинг изидан Жалил ва Ғайрат ҳам киради.

Озода: Суюнчи беринглар! Бегим тирик! Хат келди! Бегим тирик!
(Ҳаммалари Озодани ўраб оладилар) Партизанлар орасида юрган эканлар!

Шоқосим: Муборак бўлсин, қизим! Бахтинг бутун, иқболинг баланд бўлсин.

Озода: Ғайрат ака, партизанлар кимлар?

Ғайрат: Ҳарбий бўлмаган халқ вакиллари бирлашиб душманга қарши яширин уруш олиб бораётганлар.

Озода: Улар яхши одамлар-а?

Ғайрат: Улар чин ватанпарварлар.

Озода: Раҳмат, акалар. Мен қариндошларимизга ҳам хабар бериб суюнчи олай. Бегим тирик! Яқинда келадилар! (*Чиқади.*)

Шоқосим: Илоҳи, ҳақиқат бўлсин!

Жалил: Ҳақиқат бўлсин! Шоқосим ака, биз сизга бошқа ёмонроқ хабар билан келган эдик.

Шоқосим: Нима гап?

Жалил: Ҳошимжон касалхонага тушиб қолди.

Шоқосим: Нега? Нима бўлди унга?

Жалил: Ишдан қайтиш олдидан қрандан тушаётганда пастга тушиб кетибди. Қаттиқ жароҳат олган эмиш.

Шоқосим: Унда тез бориб ундан хабар олайлик. Бирор ёрдам керакдир.

Жалил: Шунинг учун сизнинг олдингизга келган эдик-да. Кетдик.

Шоқосим: Кетдик.

Чиқадилар.

Учинчи кўриниш

Касалхона эшиги олди. Деворларда тиббиётга доир тасвирлар ва уруш манзараларини акс эттирувчи лавҳалар. Эшик олдидан Шаҳринисо безовта. Шоқосим, Жалил, Ғайрат ва Полина кирадилар.

Шоқосим: Келин, нима бўлди? Аҳволи қандай?

Шаҳринисо: Аҳволи ёмон, рангини таниб бўлмайди. Суяклар эзилиб кетибди, кўп қон йўқотибди, ҳушсиз ётибди...

Шоқосим: Нима ёрдам керак экан?

Шаҳринисо: Билмайман... қон керак дейишяпти.

Ғайрат: Қоним агар тўғри келса, қонни, мана, мен бераман. Бир кириб, дўхтирдан сўраб чиқайми?

Жалил: Ҳа-ҳа, келин, дўхтирнинг олдига бошлаб кириб.

Шаҳринисо: Юринг. (*Шаҳринисо ва Ғайрат ичкарига кириб кетадилар*)

Жалил: Бечорага худонинг раҳми келсин. Сибирдан қайтиб келган жонини худо асрасин.

Шоқосим: Сибирдан дарров қайтган битта шу бўлса керак. Сибир қилинганлардан бошқа биров қайтиб келганини эшитмаганман.

Жалил: Бу Тошкент кўп улуғларни кўрди, афсуски, уларнинг кўпини бой ҳам берди.

Шоқосим: Худонинг ҳисоб-китоби бор-да, бу халқни маърифатсиз қолдирмаслик учун уруш баҳона Ленинграддан бир қанча академикларни Тошкентга келтириб қўйди. Улар қанча-қанча шогирдлар тайёрлайди энди.

Жалил: Лекин булар билан ўзбекнинг ўзига хос илмий анъаналари давом этмайди. Энди маърифат ҳам, илм ҳам русча бўлади-да.

Шоқосим: Жуда донишманд бўлиб кетмаяпмизми?

Ғайрат қайтиб чиқади.

Ғайрат: Менинг қоним мос тушмади. Ҳошим аканинг қони манфий резус-фактор экан, бундай қон ҳеч қаердан топилмас экан.

Жалил: Бу нима дегани?

Ғайрат: Билмадим, дунёда йигирма фоиз одамда бундай қон бўлар экан. Тошкентда яна кимнинг қони Ҳошим аканинг қонига мос тушишини ҳеч ким билмас эмиш.

Жалил: Хўш, шу қон топилмаса, нима бўлади?

Ғайрат: Ҳошим аканинг тирик қолиши гумон экан.

Шоқосим: О, бечора!

Шаҳринисо қайтиб чиқади.

Шаҳринисо: Қўшнижонлар, хўжайинимнинг аҳволи ёмонлашаяпти. Беш юз грамм қон бўлса етарли экан.

Шоқосим: Ҳозир ҳаммамиз ҳар жойга тарқаламиз. Ғайрат, сен ҳарбий госпиталга борасан. Жалил сиз соғлик бошқармасига борасиз, мен заводдаги ҳамма ёшларни тўплаттириб олиб келаман. қандай бўлмасин, шу қонни топишимиз керак.

Шаҳринисо: Қўшижонлар, бизни кечиринглар.

Шоқосим: Нега?

Шаҳринисо: Сизларнинг қандай одамлар эканингизни тушунмаган эканмиз. Сизларга нисбатан хўжайинимнинг кўнгли бир оз тўғри эмас эди, кўнгли бузуқ эди. Мен ҳам унга қўшилиб, униқини маъқуллаб юрган эканман. Балки буни ўзларингиз ҳам сезиб юргандирсиз... (*йиғлайди*) Бизни кечириб, сидки дилдан қон топишга ҳаракат қилинглар. Эримдан жудо бўлиб қолмай... Бундан кейин ўлгуниimizча биз ҳам сизларнинг хизматингизда бўламиз...

Қўлида тугунча билан Полина киради.

Полина: Нима бўляпти? Ҳошим ака яхшимилар?

Шоқосим: Қизим, аҳвол жиддий, қон керак. Ҳошимнинг қони топилмас қон экан. Биз қон излашга кетяпмиз. Сенинг ҳам бу ерда узоқ туришинг шарт эмас, қайтаверсанг ҳам бўлади.

Полина: Нечанчи гуруҳ? Отрицательныйми? Менинг қоним шунақа. Дўхтирлар текшириб кўришсин, мос тушмаса кейин кетасизлар.

Шоқосим: Келин, Полинани олиб кириб кўринг-чи?

Шаҳринисо: Кечир мени, Полинажон. Мен аҳмақни кечир...

Шаҳринисо Полина ичкарига бошлаб киради.

Ғайрат: Бу ерда, бундай вазиятда гапириш тўғри эмас-у, Шаҳринисо опа гап очиб қўйди. Ҳошим ака менга ҳам иккинги тўғрингизда

ёмон гаплар айтиб қўйган эди. Лекин, барибир, ҳозир бу гапларни муҳокама қилиб ўтириш вақти эмас.

Шоқосим: Жуда тўғри, ўғлим. Ҳамма нарсанинг ҳисоб-китобини худо қилади. Бизнинг вазифамиз ёрдам бериш.

Жалил: Ҳозир кўрасизлар, Полинанинг қони унга тўғри келади. Бунда ҳам бир ҳикмат бор. Полина бекордан бекорга бу ерга келмади.

Ғайрат: Ҳошим аканинг наздида Полина ҳам тўғри эмас эди, ҳақиқатан бу ерда ҳикмат бор.

Шоқосим: Полина фариштадек покиза.

Жалил: Энди бир гапнинг мавриди келиб қолди, айтсам майлими?

Шоқосим: Қандай гап экан, гапиринг.

Жалил: Шу... Полинани турмушга берсак?

Шоқосим: Нима?... Хўш, кимга?

Жалил: Мана, Ғайратга.

Шоқосим: Мен... бир нарса дея олмайман. Буни Полинанинг ўзи ҳал қилади. Ахир, уларда бизникидай расмлар йўқ-ку. Бизда кўпроқ катталар ҳал қилишади... Ғайратжон, сен хафа бўлма. Ахир, кўнгил деган гап ҳам бор-да.

Ғайрат: Бу фикр Жалил акадан чиққан эди, сизнинг фикрингизни билиш учун айтдилар-да...

Почтачи киради.

Почтачи: Ўртоқлар! Ғалаба! Ғалаба! Эртага байрам! Ҳей! Ҳамма эшитсин: Ғалаба! Ғалаба!.. (*Чиқади*)

Шоқосим: Эшитдингизми? Ғалаба! Худога шукур...

Жалил: Ғалаба!..

Ғайрат: Ғалаба!

Кучоқлашиб бир муддат йиғлаб олишади.

Шоқосим: Шу қувончли дамда Ҳошим ҳам тузалса эди.

Жалил: Полина кечикаётганидан би яхшилик борга ўхшайди.

Шоқосим: Илоҳим, яхшилик бўлсин.

Шаҳринисо киради.

Шаҳринисо: Ҳаммангизга раҳмат. Полинажоннинг қони тўғри келди. Қон олишди. Полина озроқ дам олиши керак экан...

Шоқосим: Келин, Полинага кириб айтинг, ҳаммага айтинг, урушда бизникилар ғалаба қозонишди. Эртага байрам.

Шаҳринисо: Вой, ростанми!? Ҳозир кириб айтаман (ичкарига кириб кетади).

Шоқосим: Шу кунларга етказганига шукур. Уруш ҳаётимизга касофат бўлиб кириб келди. Матонат, сабр, бир жон, бир тан бўлиб амалга оширилган кураш натижа берди. Фашизм тугатилди. Ғалаба муборак, дўстларим!

Жалил: Бир куни “уруш қабристонларимизни қўшиб юборди”, деганмидингиз? Мана бугун қонларимизни ҳам қўшиб юборди. Бу мақсад бирлигининг ифодаси. Ғалабага ҳамиша бирлик, дўстлик билан эришилади. Ғалаба муборак!

Ғайрат: Ғалаба муборак!

ХОТИМА

Ҳамма қўлларида гуллар билан кирадилар. “День Победы” қўшиғи янграйди. Урушдан қайтган йигитлар кутиб олинади, гуллар уларга тақдим қилинади, фақат Ҳошим ва Шаҳринсо қўлларидаги гулларни Полина ва Ғайратга берадилар. Ҳаммадан кейин Ғайрат Полина билан, Озода турмуш ўртоғи билан қўл ушлашиб чиқадилар.

Тамом